

ШАРТНОМА № 002-22/ SDH

«SDH» Телекоммуникация-транспорт халқасида рақамли каналларни ижарага бериш

Тошкент шаҳри

"13" 01 2022й.

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали, кейинги ўринда “Ижарага берувчи” деб аталувчи номидан, Низом ва 30.12.2021й. 27-01-14/6019-сонли ишончнома асосида иш юритувчи, директори Фаррух Шорухович Рустамов, бир томондан ва “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги”, кейинги ўринда “Ижарага олувчи” деб аталувчи номидан, Низом асосида иш юритувчи, Вазирлик Биринчи ўринбосари ш.Ш.Қудратов, иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ижарага берувчи Ижарачига АТС-291 – АТС-233 ўртасидаги бир дона оқим микдори бўйича «SDH» Телекоммуникация-транспорт халқасида (ТТХ) техник меъёрлар ва келишилган шартларга мувофиқ ажратилган 2 Мбит/с рақамли трактни фойдаланиш учун ижарага беради.

1.2. Ижарага берувчи Ижарачига ўзгарувчан мультиплексор (СГМ) орқали ЭАТС-239-233-234, ЭАТС-233-244 2 дона тўғридан-тўғри симларни ижарага беради.

1.3. Ижарачи ажратилган ресурслар учун “Ўзбектелеком” АЖ “ТShTT”нинг амалдаги тарифларига мувофиқ ҳақ тўлайди.

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

2.1 Ижарачи «ТShTT» филиалининг **2021 0000 6040 7483 8051** ҳисобварағига қуйидаги тўловни амалга оширади:

- «SDH» Телекоммуникация-транспорт халқаси бўйича 2 Мбит/с тракт ижараси учун ҚҚСни ҳисобга олиб ойлик 279 291,00 сўм. **Тўлов ҳар ойда амалга оширилади.**

-- Ўзгарувчан мультиплексор(СГМ) орқали бир дона тўғридан-тўғри симни ижарага олиш нархи тариф бўйича: 41 964,00 сўмни ташкил этади. Ижарага олувчи томонидан икки дона тўғридан-тўғри симни ижарага олиш учун тариф бўйича ҚҚС ни инобатга олган ҳолда 83 928,00 сўм ташкил қилади. **Тўлов ҳар ойда амалга оширилади.**

2.2. Шартномани умумий суммаси 1.089.657 сўмни ташкил қилади.

2.3. Телекоммуникация хизматларини ижарага олиш учун тўлов акцепт тартибида нақд пулсиз шаклда тўлов топшириқномасига (тўлов талабномалари, ҳисоб ва ҳисоб-фактурага) асосан ёки Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида Низомга мувофиқ тўлов топшириқномаси асосида амалга оширилади.

2.4. Ижарага берувчи ва Ижарачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

2.5. ТШТТ филиали ва Ижарачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилади. Томонлар келишувига кўра, хизматлар учун 100% микдорида тўлов тўланади.

2.6. Ўзбекистон Республикаси ВМ, Молия вазирлиги, “Ўзбектелеком” АК қарорларига ва бошқа ҳужжатларга асосан тарифлар ва калькуляциялар ўзгарганда, ўзгаришлар кучга киритилган санадан бошлаб тўлов янги тарифлар ва калькуляцияларга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижарага берувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.1.1. «SDH» ТТХда техник меъёрлар ва келишилган шартларга мувофиқ ажратилган бир дона 2 Мбит/с рақамли трактни узлуксиз ишлашини таъминлаш ва АТС-291 – АТС-233 да трафик ўтишини ташкил этиш.

3.1.2. Ижарага берувчи Ижарачига ўзгарувчан мультиплексор (СГМ) орқали ЭАТС-239-233-234, ЭАТС-233-244 2 дона тўғридан-тўғри симларни тақдим бериш.

3.1.3. Ўзининг алоқа иншоотларида шикастланиш ва авария ҳолатлари содир бўлганда аварияларни бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш бўйича зарур чораларни кўриш. Ижарачи абонентлари билан алоқаларни бузмасдан ўз жиҳозларини жорий ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш.

3.1.4. Умумий фойдаланишдаги тармоқ модернизациясида абонентларнинг алоқаси сифатига таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида Ижарачини олдиндан огоҳлантириб, ўз тармоқларини тасдиқланган давлат дастурлари, концепцияларига мувофиқ модернизация қилиш.

3.1.5. Ижарачи ускунасини 220В кучланишли ўзгарувчан электр токи билан таъминлаш.

3.1.6. Ижара берувчининг биносига кириб-чиқишни белгиланган тартибига мувофиқ, Ижарачининг техник ходимларини ўрнатилган АТТ ускуналари жойлашган ерга киришини таъминлаш. Ускуналар, алоқа кабеллари ва бошқа тармоқ ресурслари учун Томонларнинг тенг жавобгарлиги доираларини белгилаш.

3.2. Ижарачи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.2.1. Мазкур шартномани 3-бўлимига мувофиқ, ажратилган тармоқ ресурслари учун абонент ва ижара тўловларини амалга ошириш.

3.2.2. Ўз тизимлари ва ускуналарини ишлатиш пайтида алоқа узелларининг хусусиятлари ва параметрларини амалдаги техник меъёрлар ва талабларга, шунингдек ўзаро қабул қилинган қарорлар, лойиҳалар ва меъёрий ҳужжатларга мос келишини таъминлаш.

3.2.3. Ўзининг алоқа иншоотларида авариялар ва фавқулодда вазиятлар юзага келганда аварияларни бартараф этиш ва белгиланган муддатларда алоқани тиклаш чораларини кўриш.

3.2.4. **Ижарачига аудио, видео ва суратга олиш учун визуал (кино ва суратга олиш, овозли, видеоёзув ва ҳ.к.) аппаратурани филиал объектларига олиб кириш қатъиян тақиқланади.**

4. ФОРС–МАЖОР ҲОЛАТЛАР

4.1. Томонлар мазкур Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, ер кимираши ва бошқа табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари билан Шартнома имзолангандан сўнг юзага келган бўлса, ва бу ҳолатлар унинг шартларини бажаришга бевосита таъсир қилса, жавобгарликдан озод қилинади. Форс-мажор ҳолатлар тугагандан сўнг, шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги муносабатлар қайта тикланади.

4.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон юқоридаги ҳолатларнинг юзага келиши ва тугаши тўғрисида бошқа Томонни дарҳол хабардор қилиши керак.

4.3. Фавқулодда ҳолатларини юзага келганлиги ёки тугаганлиги ҳақида 15 кундан ортиқ вақт ичида кечикиб хабар берилиши, Томонни келгусида уларга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

5. ШАРТНОМА ТОМОНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ижарачи мазкур Шартномани 3-бўлимида кўрсатилган тўлов муддатларини кечиктирганлиги учун кечикишнинг ҳар бир куни учун муддати ўтган тўлов суммасини 0,4% миқдорида, лекин муддати ўтган тўловни 50% кўп бўлмаган суммада пеня тўлайди.

5.2. «ТШТТ» томонидан хизмат кўрсатилаётган Томонлар ускуналаридаги бузилишларни

бартараф этиш учун вақтинчалик ечимлар топилмаганлиги ва тегишли ускуна белгиланган вақт ичида бошқасига алмаштирилмаганлиги учун Ижарага берувчи Солиштириш далолатномасига асосан абонемент тўловини қайта ҳисоб-китоб қилади ва мажбуриятларнинг тўланмаган қисмини 0,5% миқдорда, лекин кўрсатилган хизматлар қийматини 50% кўп бўлмаган суммада пеня тўлайди.

5.3. Ушбу Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.4. Ушбу Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликлар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.5. Ушбу Шартнома бўйича юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

5.6. Ушбу шартномада акс етирилмаган қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

5.7. Томонларни юридик манзили ёки банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақида бир-бирларини ўзгарган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай хабардор қиладилар.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг **2022 йил “01” январ** дан кучга киради ва **2022 йил “31” 12 гача** амал қилади.

6.3. Ушбу Шартномага янги киритилган қонун ҳужжатлари, юқори органлар томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек Томонларни тақлифларига асосан ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилиши мумкин.

6.4 Ушбу Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларни тегишли битим (баённома) ёки Шартномага қўшимча билан ёзма шаклда расмийлаштирилган ўзаро розилигига асосида амал қилади.

6.4 Ушбу шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин::

- Томонларни келишувига кўра,
- Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаганда,
- Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонунчилигида белгиланган бошқа ҳолларда.

7. ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИЖАРАГА БЕРУВЧИ

“Ўзбектелеком» АК “ТШТТ» филиали
Тошкент ш., 100084,
Кичик халка йули кўчаси, 2 А
х/р 2021 0000 6040 7483 8051
“АЛОКАБАНК” АЖ,
МФО: 00401, СТИР: 203366731,
ОКЭД: 61100;
тел. 71238-73-01, факс.232-15-15

Директор

Ф.Ш.Рустамов

ИЖАРАЧИ

O'zbekiston Respublikasi Investitsiyalar
va Tashqi Savdo Vazirligi
100029, Toshkent shahar, Mirobod tumani,
I.Karimov ko'chasi, 1-uy, Tel: +998 71 238-50-05, 238-52-05
O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi G'aznachiligi
Xlr- 23 402 000 300 100 001 010
MB XKKM BB Toshkent shahar
STIR: 201 122 919 MFO: 00014
SHXR: 100010960262737041170088001
STIR: 207 254 433 OKED: 34111



Handwritten signature of the lessee.

Handwritten signature of the lessee.

Handwritten signature of the lessee.